“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Гарант банк”
акциядорлик жамияти

Кузатув кенгаши Раиси

_____ **И.И.Мамажонов**

2024 йил “11” декабр

М.Ў.

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
Миллий агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари

_____ **В.Ю.Пак**

№P0109-23113 “8” декабрь 2024 йил

М.Ў.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги
Қ А Р О Р

“Гарант банк” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:	RU	1	2	3	P	0	1	0	9	R	2

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 100 (Бир юз) сўм бўлган 150 000 000 000 (Бир юз эллик миллиард) сўмлик 1 500 000 000 (Бир миллиард беш юз миллион) дона оддий акциялар.

Акцияларнинг ушбу чиқарилуви ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXIII (йигирма учинчи) чиқарилишдир.

“Гарант банк” акциядорлик жамияти Кенгашининг 2024 йил 11 декабрдаги мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

“Гарант банк” акциядорлик жамияти Кенгашининг 2024 йил 11 декабрдаги мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: 100060, Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 78-уй; тел: 71-254-19-91.

Электрон почта манзили: info@garantbank.uz, расмий веб сайти: www.garantbank.uz

“Гарант банк” АЖ
Бошқаруви Раиси _____ **К.М.Адилов**

Бош бухгалтер в.в.б. _____ **О.К. Хаитов**

М. Ў.

11 декабр 2024 йил.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): Оддий

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 100 (Бир юз) сўм

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 1 500 000 000 (Бир миллиард беш юз миллион) дона

5.Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 150 000 000 000 (Бир юз эллик миллиард) сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: банк акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг нархлари тўғрисида маълумотлар олиш;
- банкни бошқаришда иштирок этиш, шу жумладан Акциядорлар умумий йиғилишида ўзи ёки вакиллари орқали иштирок этиш ва овоз бериш, банкнинг сайланадиган лавозимларига сайлаш ва сайланиш;
- банк уставига мувофиқ банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборотни олиш, банк сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қонун хужжатларида белгиланган тартибда банкда унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- банк акцияларини сотиб олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга. Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида Банкдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўладиган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставида чекловлар мавжуд эмас.

Амалдаги қонунчилик талабларига кўра банк акцияларини сотиб олишга доир қуйидаги чекловлар мавжуд:

- жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоиз;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоиз ташкил этадиган улуш бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиш шарт.

-норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциялари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно).

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлари, ушбу чиқарилишдаги акцияларнин ўзига тегишли оддий акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан AXRAROV AZIZ XAMIDULLAYEVICH (ID карта AD 6450946, IIV 60006 томонидан 12.03.2024 йилда берилган)га жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 350 000 000 000 (Уч юз эллик миллиард) сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

а) чиқарилган акцияларнинг умумий сони, донада: 3 500 000 000 (Уч миллиард беш юз миллион) дона;

б) чиқарилган акцияларнинг тури ва ва уларнинг турлари бўйича сони:

- эгаси ёзилган оддий акциялар, дона: 3 497 000 000 (Уч миллиард тўрт юз тўқсон етти миллион) дона;
- эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона: 3 000 000 (Уч миллион) дона;

в) чиқариш шакли: ҳужжатсиз.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 17 сентябр куни P0851-сон билан рўйхатга олинган:

а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) фоизли облигациялар;

б) чиқарилишдаги облигациялар сони: 4 000 (Тўрт минг) дона

в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм: 1 000 000 (бир миллион) сўм;

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм: 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм.

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2010 йил 17 сентябр P0851R4-сонли қарорига асосан, P0851-рақами билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301P0851R4) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар банк акциядорларига мазкур чиқарилишдаги акциялар имтиёзли олиш ҳуқуқини тақдим қилинган ҳолда ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан AXRAROV AZIZ

XAMIDULLAYEVICH (ID карта AD 6450946, IIV 60006 томонидан 12.03.2024 йилда берилган)га жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Акцияларни жойлаштириш муддати – ушбу акция чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошланиш санаси – мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кундан бошланади.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишдаги сўнгги акция жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, мазкур чиқарилишдаги акциядорларнинг қолган қисми ёпиқ обуна йўли билан AXRAROV AZIZ XAMIDULLAYEVICH (ID карта AD 6450946, IIV 60006 томонидан 12.03.2024 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда, чиқарилаётган акциялар уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, қолган акциялар қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг савдо майдончасида унинг қимматли қоғозлар билан савдо ўтказиш қоидаларига мувофиқ битимлар тузиш орқали AXRAROV AZIZ XAMIDULLAYEVICH (ID карта AD 6450946, IIV 60006 томонидан 12.03.2024 йилда берилган)га жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштириш Банк томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Номи- **“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси.**

Манзили:100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй, 2-қават, телефон: 71-267-35-92, факс: 71-267-36-42, расмий веб-сайт: www.deponet.uz электрон манзили: info@deponet.uz

Номи -**“ Finance Invest Brok” масъулияти чекланган жамияти.**

Манзили: 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси 25А уй., телефон-факс: 90-357-79-55.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Ушбу чиқарилишидаги акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ акциядорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган оддий акциялар сони мутаносиб равишда амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Имтиёзли ҳуқуқининг амал қилиш муддати имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) календарь кунни ташкил этади. Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақмда ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар ўртасида жойлаштириш банк бошқаруви органи томонидан белгиланадиган бозор баҳосида, лекин номинал қийматдан паст бўлмаган баҳода амалга оширилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акцияларни жойлаштиришда акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўлов, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида-пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади. Бунда акциялар учун пул маблағлари “Гарант банк” АЖ Амалиёт бошқармаси қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: ҳ/р 29830000700000439004, МФО 00439, СТИР 201053901, Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Сайид Барака кўчаси, 78 уйда. Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га (Адлия вазирлиги 2021 йил 26 ноябрдаги 3336-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-“Чиқарилган устав капитали - Оддий” ҳисобварағида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Акциялар олди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб тартиби ва муддатлари қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчисининг савдо майдончасида унинг қимматли қоғозлар билан савдо ўтказиш қоидаларига мувофиқ битимлар тузиш орқали жойлаштирилади.

Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Акциялар учун тўланган пул маблағлар инвесторнинг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига 10 (ўн) кун давомида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Банк томонидан акцияларнинг ушбу қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида белгилан тартиб ва муддатларда ошкор қилинади. Жумладан ахборот қуйидаги манзилллар - "Гарант банк" АЖнинг расмий веб-сайтида (www.garantbank.uz), Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар Миллий агентлигининг Корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz), ҳамда "Тошкент" Республика Фонд биржасининг веб-сайти (www.uzse.uz) орқали ошкор этилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг нусхаси ва асли нусхаси билан Тошкент шаҳар, Сайид Барака кўчаси, 78 уйда жойлашган "Гарант банк" АЖ Бош офисида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

"Гарант банк" акциядорлик жамияти;
"Гарант банк" АЖ;
Акционерное общество "Гарант банк";
АО "Гарант банк";
Joint stock company "Garant bank";
JSC "Garant bank";
"Garant bank" aksiyadorlik jamiyati;
"Garant bank" AJ;

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1994 йил 12 май, 42-сон.

Лицензия рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2022 йил 16 июлда 16/4-сонли қарори билан берилган, 42-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия;

Эмитентнинг асосий фаолият тури - банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:

10301000500009008001

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли –акциядорлик жамияти

Манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100060,Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси 78-уй

Солиқ органининг номи ва СТИР коди:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 201053901

Хос рақами (ОКПО)	код 15778550
ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури	код 96120
МШТ бўйича мулкчилик шакли	код 161
ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли	код 1150
Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами	код 1726273

“Гарант банк” АЖ қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор

Рақамланган ва тикилган
6 (Олти) варақдан иборат

Бошқарув Раиси **К.М.Адилов**

Бош бухгалтер в.в.б **О.К.Хаитов**